

**“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг 2-сон  
ҚАРОРИ**

2021 йил 3 август

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддаси, “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти уставига асосан барча оддий акцияларнинг ягона акциядори бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди.

1. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
2. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
3. “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 июлдаги 02/1-194-сон топшириғига мувофиқ “Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши таркибига 5 нафардан иборат бўлган номзодларни киритиш бўйича кўрсатма берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзбек геология қидирув” АЖ кузатув кенгаши таркибининг камида 30 фоизини малакали хорижий тажрибага эга соҳа мутахассислари билан тўлдириш белгиланганлиги инобатга олган ҳолда, “Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши таркибига 1 нафар малакали хорижий тажрибага эга соҳа мутахассислари жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори қуйидагича **қарор қилади:**

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Ишметов Тимур Аминджанович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири
2. Исламов Бобур Фархадович - Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси
3. Наримов Рустам Камилович - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи
4. Давлетяров Азамат Сабиржонович - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Департамент директори
5. Тўхтасинов Ўткир Толибжон ўғли  
(мустақил аъзо тайинлангунга қадар) - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

#### **Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 107-моддаси, “Ўзбек геология қидирув” АЖ Уставига асосан, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори қуйидагича **қарор қилади:**

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Тафтиш комиссияси таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Холжўраев Азизбек Салимжон ўғли - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари
2. Караев Феруз Фахриддинович - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси
3. Умаралиев Акмал Умаралиевич - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бош мутахассиси

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:**

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарувини фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Уставига тегишли ўзгартишлар киритилиши таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Ўзбек геология қидирув” АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Х.У. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг биринчи  
ўринбосари



**О. Насритдинходжаев**